

ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОРА ОБЛАҚУЛОВНА
ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА
ТАЙЁРЛАШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ
МОНОГРАФИЯ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

**ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОРА ОБЛАҚУЛОВНА
ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА**

**ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА
АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ**

Монография

ЧИРЧИҚ - 2020

Ушбу монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти кенгашининг 2020 йил «01» майдаги №15 - сонли мажлисида муҳокамадан ўтказилган ва тасдиқланган.

Муаллифлар:

- Эрназарова Г.О.** – “Педагогика ва менежмент” кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори
- Исламова М.Ш.** – “Педагогика” факультети мустақил тадқиқодчиси

Такризчилар:

- Маҳкамов У.М.** Тошкент вилояти чирчиқ давлат педагогика институти
“Педагогика ва менежмент” кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори
- Тожиёев М.** ЎзР ОЎМТВ ҳузуридаги ОТРТИТТЭМ бўлим бошлиғи,
педагогика фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I бoб. АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Касб-ҳунар таълимида ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш муаммо сифатида.....	10
1.2. Педагогик категория сифатида акмеологиянинг моҳияти ва мантикий жиҳатдан таҳлили.....	26
1.3. Касб-ҳунар коллежида акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-психологик омиллари.....	42
II бoб. ЎҚУВЧИЛАРНИ АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ	
2.1. Акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни оптималлаштириш	62
2.2. Акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик модели.....	79
2.3. Касб-ҳунар таълимида акмеологик ёндашувни жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари.....	94
III бoб. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
3.1. Назарий ва амалий касбий таълим жараёнида (“Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитиш мисолида) акмеологик ёндашувни жорий этишнинг шакли, методи ва воситалари.....	111
3.2. Акмеологик ёндашув асосида мустақил таълим ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш.....	129
3.3. Касбий таълимда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш методикаси.....	147
3.4. Касбий таълимда акмеологик ёндашув самарадорлиги ва уларнинг таҳлили.....	170
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	179
ИЛОВАЛАР.....	192

КИРИШ

Жаҳонда касбий таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари акмеологик ёндашув асосида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий компетентлиги, мантиқий-мустақиллик, фаол-ижодий фикрлаш қобилиятини таркиб топтириш ва индивидуал касбий шакллантириш даражасини ошириш ҳамда замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш долзарблигини кўрсатмоқда. Дунё ҳамжамиятининг меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган, касбий креатив қобилиятга эга бўлган, касбий акмешахс, фаол мутахассис кадрлар тайёрлаб халқаро жамиятда муносиб ўрин эгаллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Илмий тадқиқот муассасалари ва олий таълим даргоҳларида акмеологик ёндашув асосида шахсни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологияларини ривожлантириш, касбий етукликка эришиш жараёнини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Халқаро миқёсда фан ва техника ривожини, илғор ишлаб чиқариш тажрибалари, амалиётга жадал суръатлар билан кириб келаётган жамият ва табиатда юз бераётган ўзгаришлар, касбий тайёргарликка бўлган талабларни орттиради, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштирилиши аҳамиятли ҳисобланади. Интенсив касбий тайёргарликни амалга ошириш, ўқитишда таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазифалари интеграциясини таъминлаш, ўқув-билиш фаолиятида акмеологик касбий йўналтириш усуллари ишлаб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади. Акмешахс мутахассисни шакллантириш, акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёргарликни такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ва илмий-методик таъминотини яратишга имкон бериши билан мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакатимизда касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида